



No'kis q. A.Dosnazarov 62 uy, ind: 230100 tel: 8 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

“14” апрель 2021 й.

01-01/03- 1903 - сонли

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашига**

Сизнинг, 2021 йил 6 апрелдаги 6/742-сонли хатингизга жавобан қуйидаги маълумотларни билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармонининг 2в Иловаси 12-банди ижроси юзасидан, яъни, Тахиатош туманидаги жами 22 та мактабларни 44 та компьютер ва 22 та оргтехника воситалари билан таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига жорий йилнинг 12 январида 01-01/03-93-сонли хат орқали, ушбу Фармонда кўрсатилган **160 млн сўм** миқдоридagi маблағни ажратиш бўйича амалий ёрдам сўраб мурожаат қилинди. Молия вазирлигидан 2021 йил 27 январь санаси билан олинган ШЕ/04-05/333-сонли жавоб хатида, ушбу 160 млн маблағни 2021 йил таълим соҳаси учун кўзда тутилган харажатлар ҳисобидан ажратилиши мумкинлиги ҳақида билдирилган. Молия вазирлиги жавоб хати асосида, Тахиатош тумани халқ таълими бўлими томонидан, қайд қилинган 160 млн сўм маблағ, 2021 йилги харажатлар сметасига киритилган бўлиб, ҳозирда ушбу маблағ туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда туман молия бўлими орқали тез орада ажратилиши юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 2-сонли умумтаълим мактаби 2020 йил октябрь ойида Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ихтисослаштирилган бўлиб, ҳозирда бу мактабда АКТ йўналиши бўйича 30 та ўқувчи таҳсил олмақда. Ҳозирда, мактабдаги бадий безаш ишлари тугалланган бўлиб, таъмирлаш ишлари якунланиш арафасида. Оргтехника, интерактив доска, жиҳозлар, парта ва стуллар келтирилган. 2021-2022 ўқув йили давомида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 7 та умумтаълим мактаблари АКТ га ихтисослаштирилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирда бу борада ишлар бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва Коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 15 мартдаги 17-8/1841-сонли хатида келтирилган талаблар асосида, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими

вазирлиги тасарруфидаги, оптик толали алоқа линиялари тортилган ва охирловчи қурилмалари ўрнатилган умумий ўрта таълим мактаблари, “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали билан шартнома тузган ҳолда, жорий йилнинг 1 февралидан бошлаб, янги - “Education” тарифли Интернет тармоғига уланди. Ушбу тариф бўйича интернет хизматлари учун зарур бўладиган бир йиллик абонент тўловини молиялаштиришда амалий ёрдам сўраб, 2021 йил 18 феврида 01-01/7-776-сонли хат орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига муурожаат қилинди. Молия вазирлиги жавоб хатида эса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, жорий йил 16 мартадаги 5/888-сонли хатида келтирилган талаблар асосида мактабларни янги - “Education” тарифли Интернет тармоғига улаш бўйича кўрсатмалар инобатга олинмасдан, олдинги - Ziyonet тарифлари учун маблағ ажратилиши ҳақида билдирилган. Бу муаммо ҳақида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига маълумот киритилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги умумтаълим мактаблари 7-11 синф ўқувчилари “Бир миллион дастурчилар” лойиҳаси доирасида махсус uzbekcoders.uz сайтидан рўйхатдан ўтиб, информатика фани йўналишида дастурлашнинг 4 та йўналиши бўйича билим олишмоқда. Ҳозирги кунда, ушбу лойиҳа доирасида, умумий ҳисобда рўйхатдан ўтган ўқувчилар сони 19 131 тани, битирувчи сертификатини қўлга киритганлар сони 12 406 тани ташкил этмоқда. Бу борада ишлар янада жадаллаштирилмоқда.

Вазир



Р.Реимов

Ижрочи: Р.Худайбергенов
Тел: 93. 485-17-51

